Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 22-noyabr, juma

№ 47 (24967)

Farg'ona haqiqati

ljtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ИШЛАШ, ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ДАВРИ



Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижаси бўйича янги парламент шаклланди. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллашга бағишланган мажлиси ўтказилди.

Йиғилишни Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилди.

Янгиланган Конституциямизнинг 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига киради. 118-моддага кўра, Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.

Шу муносабат билан мажлисда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

– Мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Халқимиз бугун янги ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари, аввало, ўтган беш йилдаги дастурлар ижросига тўхталиб ўтди. Бу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 карра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллионта юқори даромадли иш ўринлари яратилди.

Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,7 миллион киловатт-соат бўлган 10 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 3 баробар кўпайди.

Мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошди. Барча ҳудудларда "Инсон марказлари" очилиб, ижтимоий ходимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган эди. Барча имкониятлар ишга солингани туфайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзида 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шундай суръат жадал давом эттирилса, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш салоҳияти борлиги таъкидланди. Бу аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга асос бўлади.

Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги энг муҳим йўналишларга эътибор қаратди.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш зарур. Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади. Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда, иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши зарур. Иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини 2 карра ошириш ҳам муҳим масала.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётнинг хусусий сектордаги улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу борада 2 минг та корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа акцияларини "IPO"га чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаши керак.

Бешинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат бу соҳадаги дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиши зарур.

Таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни яхшилаш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз бу мақсадларга эришиш учун ҳукумат билан парламент ҳамкорлиги муҳим эканини таъкидлади.

Авваламбор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Шу боис турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекцияларнинг ҳисоботларини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиб бориш бўйича янги тизимни жорий этиш ташаббуси илгари сурилди.

Парламент назорати – бу аввало "халқ назорати, халқ сўрови" экани таъкидланди. Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, яқин қўшнилар билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Шу мақсадда Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини айтди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътибор марказида бўлиши қайд этилди.

Ҳозирги таҳликали даврда давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Шу боис Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътибор янада кучайтирилади. Ёшларни замонавий билим ва касб эгалари этиб тарбиялашга катта имкониятлар сафарбар этилади.

– Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тақдим этди.

А.Арипов Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини баён қилди.

Мазкур номзод ва дастур муҳокамаси юзасидан сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ҳамда депутатлар ўз фикрларини билдирди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзоди маъқулланди. Бу бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

Мажлис якунида келгуси йилги устувор йўналиш ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев 2025 йилни юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб эълон қилишни таклиф этди. Бу борадаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

– Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу – Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади. Бу давр парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади, – деди Президент сўзининг якунида.

ЎзА.

ЗАЪФАРОН – МИНГ ДАРДГА ДАВО



Газетанинг ўтган сонида ЗАЪФАРОН ўсимлиги, унинг тарихи ва инсон учун фойдали томонларини бафуржа ёритгандик. Бугун эса шифобахш хусусиятлари ҳақида ўқинг.

Қадимги замонлардан маълумки, заъфарон нодир ва бемисл хусусиятларга эга. У оғриқни қолдирувчи, қувонч ва хурсандчилик бахш этувчи, тушкунликдан чиқарувчи, қувонч гормони – серотонин ишлаб чиқариш хусусиятига эга.

Ҳаким Аюрведа заъфаронни ҳазми таомни яхшилашга, сезги ва нафас олиш органларини мустаҳкамлашга, жигар, буйраклар, лимфа безларини тозалашга, титроқни босишга, томирларда тўхтаган қонни юргизишга, юз рангини тиниқлашга, жинсий қувватни фаоллаштиришга ҳам хизмат қилишини таъкидлаган. Қадимда киборлар жамиятига мансуб аёллар туғиш олдидан оғриқни енгиллаштириш мақсадида заъфарон эритилган сувни ичишган.

Замонавий тиббиётда у кўзга томизиладиган дори тайёрлашда ва умумий қувватлантирувчи турли дори-дармонлар тайёрлашда ишлатилади. Заъфароннинг антиканцероген ва антимутаген хусусиятларга эгалиги исботланган. У қайноқ сут билан ичилса, бош мия фаолиятини мустаҳкамлаб, хотирани кучайтиради. Агар асал билан истеъмол қилинса, буйрақдаги тошларнинг майдаланишига ёрдам беради. Заъфарон гули тумшуқлари эритмаси инсон организмига зарур бўлган каротин, тиамин, рибофламин, флавоноидлар, калций, фосфор каби моддаларга ва турли витаминларга бой. Тўрт минг йиллик тарихда унинг тўқсон хил турли касалликларни даволашда қўлланиши аниқланган.

Заъфароннинг хушбўй ҳидини ҳидлаш инсоннинг нафас олиш органларига ижобий таъсир қилиб тинчлантиради ва уйқусизликдан қутулишига ёрдам беради. Кучли бош оғриғида ва қулоқ шамолланида, заъфарон сувида пахта ёки юмшоқ матони ҳўллаб, касал аъзога босилса, оғриқни қолдиради. Бундан ташқари, у қорин очиш ҳиссини ҳам камайтиради.



Заъфарон меъёридан ошириб ишлатилса, сезги органларининг қаттиқ зўриқишига олиб келиши мумкин.

Заъфарон харид қилишда янчилиб майдаланганини эмас, балки бутун толали гулларини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан икки минг йил аввал Плиний янчилган заъфарон қалбаки бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган. Ўрта асрларда заъфаронни сохталаштирган киши гулхан ўтида ёқилган. Ҳақиқий заъфарон ҳеч қачон арзон нархда сотилмаган. Уни узоқ сақлаб бўлмайди, шунинг учун олдиндан олиб қўйиб бўлмайди.

Заъфарон овқат ҳазм қилишни яхшилаб, иштаҳани очади, организмнинг ҳаётий фаоллигини яхшилайди, кишилар ундан ошқозон, юрак, жигар, нафас олиш аъзолари ва асаб тизимини мустаҳкамлашда, буйракларни тозалашда, оғриқни қолдиришда, тинчлантирувчи, пешоб, ўт ва тер ҳайдовчи восита сифатида фойдаланишади. Лекин ҳомиладорликда уни истеъмол қилиб бўлмайди.

Заъфарон доришунослик саноатида кенг ишлатилади, у Шарқ табобатининг 300 дан ортиқ дори-дармонлари таркибига киради. Унинг дамламаси билан қадимда катарактани даволашган, ҳозирги вақтда ҳам кўзга томизиладиган дорилар таркибига қўшилади.

Заъфарон бутун организм ҳужайраларини озиқлантиради, терини силлиқ қилади, рангни тиниқлаштиради, хотира ва ақлий фаолиятни яхшилайди, кайфиятни кўтаради. Амалда ҳар қандай хасталик, у бошланиш босқичидами ёки ривожланган охирги босқичидами, бундан қатъи назар, заъфарон ёрдамида 85-87 фоизга шифо топади. Тадқиқотлар буни қайта-қайта исботлаган.



ШИФОБАХШ ЗАЪФАРОННИ ҚАЕРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

BMB Za'faron саломатлик маркази – call-markaz. Телефон: +99855 516-22-99.

BMB Za'faron Sello Market – https://sello.uz/sellers/ooo-bmb-impex

Uzum Market – https://uzum.uz/ru/httpsbmbtguzzafaron

Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.



Ерга оид ислоҳот:

ЭНДИ УЙ-ЖОЙИНГИЗНИНГ ҲУЖЖАТИ БЎЛАДИ

Ер участкаси, уй-жой оилалар ҳаётига дахлдор масала. Ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқ. Ерга оид муаммоларни оқилона ҳал қилиш ислоҳотлар ва соҳани рақамлаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

2024 йил 5 август куни "Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Унга асосан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланди. Ушбу Қонун қуйидаги ҳолатлар бўйича қатъий белгиланган тартибда ижро этилади. Хусусан:

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан 2018 йил 1 майга қадар якка тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

– фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкаси майдонидан 2018 йил 1 майга қадар ортиқча эгаллаган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

– ўзбошимчалик билан қурилган якка тартибдаги уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан эътироф этиш мумкин деб топилганлиги ҳолларига ёки уни эътироф этиш рад этилганлиги ёхуд аризаларнинг кўриб чиқилиши бир марталик умумдавлат акциясининг муддати ўтганлиги сабабли якунига етмаганлиги ҳолларига;

– 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқароларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ёки резидент бўлган юридик шахсларга ажратилган, тасдиқлаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган ер участкасига (бундан шундай ер участкасида икки йил ичида бинолар ва иншоотлар қурилмаган ёки уларнинг қурилиши бошланмаган ёхуд ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилган ҳоллар мустасно);

– фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойларига ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;

– 2020 йил 9 мартга қадар кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг яшаш учун мўлжалланмаган бинолари ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига;

– хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ер участкасига;

– фуқароларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулк (эгалик қилиш) ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари эгаллаган ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш асослари ва тартибини белгилайди.

Юқорида назарда тутилган ер участкаларига нисбатан ушбу Қонунда белгиланган асосларда ва тартибда фақат ижара ҳуқуқи, ушбу ер участкаларида қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи эътироф этилади. Бунда ижара муддати якка тартибдаги уй-жойлар эгаллаган ер участкалари учун тўқсон тўққиз йил, бошқа ер участкалари учун қирқ тўққиз йил этиб белгиланади.

Фуқаролар томонидан 2018 йил 1 майга қадар якка тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилиши, яъни мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлиши, мазкур ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо мавжуд бўлмаслиги ва мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи агар ер участкаси 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса, – барча ҳудудларда 0,24 гектардан кўп бўлмаган, 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса, – Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 0,06 гектардан, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан кўп бўлмаган ўлчамларда эътироф этилади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари, вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари, бошқа аҳоли пунктларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида бир марталик тўлов ундирилади.

Умумдавлат акцияси доирасида бир марталик йиғимни тўлиқ тўлаган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ушбу тўловдан озод этилади.

Агар бир марталик умумдавлат акцияси доирасида Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин деб топиш белгиланган хулосасига асосан далолатнома шакллантирилган, бироқ бир марталик йиғим ундирилмаган ёки тўлиқ ҳажмда ундирилмаган бўлса, у ҳолда бир марталик тўлов ҳудудлар кесимида белгиланган тартибда ундирилади.

Юқорида назарда тутилган ер участкаларининг 2, 4, 6-бандларидаги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўлов ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўртача бозор қиймати миқдорида ундирилади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўртача бозор қиймати ер участкаларидан фойдаланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 0,01 гектар майдон учун фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари бўйича ҳар йили январь ва июль ойларида белгиланади, унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимига тақдим этилади. Бунда тегишли ҳудудда охирги ўн икки ойда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини сотиш бўйича электрон онлайн-аукционлардаги ўртача нархлар, электрон онлайн-аукцион ўтказилмаган ҳудудлар учун эса тегишли туман (шаҳар) ёки юқори турувчи маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ўртача нархлар ижара муддатига кўра тузатиш киритилган ҳолда асос сифатида қабул қилинади.

Ушбу қонун ижрога қаратилиши пировардида аҳолини йиллар давомида қийнаб келган ер участкаси ва уй-жой билан боғлиқ муаммолар ҳуқуқий ечим топади.

Д.МАХАМАТОВ,
Фарғона вилоят маъмурий судининг раиси.
О.АБДУСАТТОРОВ,
Фарғона вилоят маъмурий судининг судья катта ёрдамчиси.

БАХТИЁР ҲАЁТИМИЗ АСОСИ



Конституция олий ҳуқуқий кучга эга бўлган, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар пойдеворини таъмин этадиган, ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши қатъий назорат қилинадиган асосий қонун, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзуларини ифодалайди. Унда давлатнинг қиёфаси, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик тамойиллари, умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан мустаҳкам ҳимоялганлиги кўзгудагидек акс этиб турибди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 51-моддасида фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақлилиги, олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Асосий Қонунимизда ўқитувчилар нуфузини янада оширишга қаратилган алоҳида модда мавжуд. "Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади" (52-модда).

Конституция бизнинг фаровон турмушимизни таъмин этибгина қолмай, ҳуқуқларимиз ва эркинликларимизни ҳимоялайди, бахтиёр ҳаётимизга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Маърифатхон КАРИМБЕРДИЕВА,
Фарғона политехника институти ахборот ресурс маркази илмий-услубий ва ахборот-маълумот (даврий нашрлар) бўлими бошлиғи.
Раҳнамохон САЙИДЖОНОВА,
бўлим етакчи мутахассиси.

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИГА ЭКОСАЁҲАТ

Экотуризм аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, айниқса, ёшларни маънавий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона вилоят прокуратураси, вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ҳамда туризм бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Раҳбар ва ёшлар" учрашувида экофаоллар томонидан берилган таклифга асосан, бир гуруҳ ёшлар учун "Марказий Фарғона давлат ўрмон хўжалиги"га саёҳат уюштирилди.

Очиқ табиат қўйнига саёҳат давомида келажак авлодларга ўрмон хўжалигининг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида гапириб берилди. Экологияни муҳофаза қилиш, атроф-миздаги ҳайвонот ва набобат оламига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиий ёдгорлик ва обидаларни асраш бўйича ҳамюртларимизнинг бурч ва масъулияти бўйича фикрлар билдирилди.





Шунингдек, Марказий Фарғонанинг қумли чўллари геокомплексини ҳамда бу ерларда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ҳудудда юз берувчи табиий жараёнлар ва ҳодисалар юзасидан мониторинг ўтказилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани айтиб ўтилди.

Экосаёҳатчилар ноёб табиат мўъжизаларини ўзида жамлаган "табиат ёдгорлиги" ва унинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидаги ўрни, ҳудудни асраш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа масъулларидан атрофлича жавоблар олдилар.

Анваржон АШУРОВ,
Фарғона вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



"ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ"

Ёки маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси халқнинг яқин кўмакчиси бўла оляптими?

Вилоятимиздаги 1063 та маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари зиммасига кам даромадли, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш каби вазифалар юклатилган.

Хўш, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари бу вазифаларни қанчалик бажара олишди?

2024 йилнинг 3-чораги якуни бўйича вилоятимиз ҳоким ёрдамчиларининг самарадорлик кўрсаткичи – КРІ таҳлилига асосан республика миқёсида 83,24 баллни ташкил этди. Шундан юқори натижа Фарғона шаҳрида (88,24 балл), паст кўрсаткич Қува туманида (79,28 балл) қайд этилди. Афсуски, 51 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчилари 71 гача балл тўплади ва уларнинг фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Албатта, ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтган 9 ойда сезиларли ижобий ишлар амалга оширилганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, улар кўмаги билан 241959 нафар аҳоли доимий ишга жойлашди, 6754 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 169305 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтди.

Қолаверса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 22052 нафар фуқароларга ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан 366,6 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиб, шу йилнинг ўзида 15999 та янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлади.

Камбағал оилалар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, молиявий ресурсларни, биринчи навбатда, уларнинг мақсадли эҳтиёжларига йўналтириш, оилаларнинг камбағалликдан чиқишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва ижобий ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида "Индивидуал дастур" амалиёти жорий этилди. Шакллантирилган маҳалла паспортига асосан эса аҳолининг 4 тоифаси аниқланди. Ўта оғир ва оғир вазиятга тушиб қолган оилаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур лавозим шуниси билан аҳамиятлики, ҳоким ёрдамчиси миллий кадрлар захирасига киритилиб, ўсиб бориш даражаси белгиланган. Муносиб топилганлари шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари лавозимларига тайинланмоқда.

Юқорида келтирилган кўрсаткичда қайд этилганидек, айрим ҳоким ёрдамчиларининг эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги ҳам намоён бўлмоқда. Ўзига юклатилган вазифага совуққонлик билан ёндашиб, "хўжакўрсин"га ишлаётганлар "ғалвир сувдан кўтарилганда" юзага чиқмоқда.

Қува туманидаги "Гўзал" маҳалла фуқаролар йиғинида 3000 дан зиёд аҳоли яшайди. Ҳудуд асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Умиджон Ҳошимовнинг самарадорлик кўрсаткичи 53 баллни ташкил этди. Унинг сўзига қараганда, бошқаларга нисбатан жуда паст натижани эгаллашига сабаб, ажратилган имтиёзли кредит тўловлари аҳоли томонидан ўз вақтида қайтарилмаётганида. Таҳлиллар эса, унинг фаолиятида бундан ташқари бир қанча оқсоқликлар борлигини ҳам кўрсатди. Яъни, у ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлаш, уларга субсидия ажратиш, ўзини ўзи банд қилиш, "Индивидуал дастур" билан ишлашда қатор камчиликларга йўл қўйди.

Нодиржон Низомов Учкўприк туманида биринчилардан бўлиб ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлади. У хизмат қилаётган "Ғози Ғиждон" маҳалла фуқаролар йиғинида 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳисобот давридаги фаолияти кўрсаткичи 59,03 балл билан баҳоланди.

– Онлайн платформа фаол ишлашида хатоликлар учрамоқда. Онлайн бозорда сотувни амалга оширишда тизим ишламади. Бир неча бор уринишларим самарасиз бўлди, – дея қониқарсиз натижасини изоҳлади у.

Тошлоқ туманининг "Конизар" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётган Шерзоджон Раҳмонов иш фаолиятида бир қанча камчиликларга йўл қўйгани боис, самарадорлик кўрсаткичи 64,86 баллни ташкил этди. У билан суҳбатлашганимизда, ҳоким ёрдамчиси вазифаси тасаввур қилгани каби осон эмаслигини айтиб ўтди. Шунинг учун бошқа иш танлашини, ҳозирда меҳнат таътилида эканлигини билдирди.

Туманнинг "Терактаги" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Раҳматилло Умаров ҳам худди шундай фикрда. Маълум бўлишича, у ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада фаолият юритиб келаётганди. 2 йил давомида аҳолини иш билан банд этишда қатор қийинчиликларга учради.

– Иш сўраган аҳоли кўп, вакант ўринлар жуда кам. Ишсизларнинг талабини қондириш, яъни улар хоҳлаган иш ва тасаввуридаги маош тўлайдиган корхонани топиш осон бўлмаяпти. Айниқса, ёшлар таклиф қилган ишни рад этишади. Меҳнат шароити яхши эмаслиги, иш оғирлиги, ойлиги камлиги, яшаш манзилидан узоқлиги рўкач қилинади, – дейди у.

Раҳматилло Умаровнинг хизмат фаолияти 9 ойлик самарадорлик кўрсаткичи бўйича 62,19 баллни ташкил этди. У яқинда ишдан бўшаганини айтди.

Туманнинг "Сувбоши" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчисининг кўрсаткичи ҳам паст баҳоланган. Атиги – 57,49 балл. Бу лавозимда фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмаган Бобуржон Қурбоновнинг сўзига кўра, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси лавозими 6-7 ой бўш турган. Шунинг учун паст натижа қайд этилган.

– Ҳоким ёрдамчиси "маҳалланинг иқтисодчиси" ҳисобланади. Асосий вазифамиз аҳолини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Жумладан, талабгорларни тадбиркорликка йўналтириб, кредит олишларига кўмаклашибгина қолмай, барқарор ишлаб кетишларини назорат қилиб турмасак, маълум қийинчиликлар олдида ўралашиб қолиши, бошлаган ишидан кўнгли совуши мумкин, – дейди туманнинг "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Дилшоджон Бойматов. – Очиғи, кейинги чоракда тадбиркорларни онлайн бозорга жалб этолмаганим оқибатида КРІ бўйича 67,7 балл тўпладим. Охирги чоракда бу камчиликни бартараф этиш учун онлайн бозорда сотувни амалга оширмоқчиман.

"Тошлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини туман марказида жойлашган. 2192 нафар аҳоли яшаётган маҳалланинг ўсиш нуқтаси – хизмат кўрсатиш соҳаси. Бу ерда бекорчининг ўзи йўқ. Аксарият аҳоли экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан банд. Уларнинг хариди маҳаллий бозорда ҳам чаққон.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Машҳурбек Каримов янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳалла хизмат турларини кўпайтириш борасидаги ташаббуслари ортидан кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Аммо самарадорлик кўрсаткичида ижобий натижага эришолмади. Сабабини тадбиркорлар "харид-сотув" учун онлайн бозорни хоҳлашмагани билан изоҳлади.

– Жорий йилда тумандаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси лавозими бўш турди. Муносиб номзодларни саралаш узоқ давом этгани умумий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатди, – дейди Тошлоқ тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Муҳриддин Ботиров. – Оқсоқликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, "онлайн маҳалла" платформасига аҳолини қийнаб келаётган муаммолар киритилиши керак, аммо айрим ҳоким ёрдамчилари ҳудудидаги маълум камчиликларни ўз вақтида қайд этишмаяпти.

Ҳоким ёрдамчиси виждонан ишласа, ҳеч қачон камчиликка йўл қўймайди. КРІ тизимида назарда тутилган кўрсаткичларда ижобий натижага эришиши учун имкониятлар кенг.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Қишлоқ ҳаёти

ЕРГА ЭГИЛГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ



Раънохон опа бугун ҳам кун оқармай уйғонди. Апил-тапил нонушта қилгандай бўлди-да, қадрдон даласига йўл олди. Икки четида тераклар бўй чўзган йўл "Алиқулова Анорхон Одиловна" фермер хўжалиги ерларига туташ. Пахтакор аёл бу йўлдан ўтиб борар экан, дарвозаси олдини супураётган келинчаклар қўлларини кўксига қўйиб саломлашадилар. "Бахтли бўлинг", дейди фермер опа.

Аввалари тупроқ, тош йўллар бугун текис ва равон. 40 йил олдин вақтлар келиб, Марказий Фарғона чўлларининг "Аччиққўл" массивидаги узумзор ҳудудида гўзал ҳаёт ҳукм суради, десалар ишонмаган кўпчилик. Шунданми, ўша йилларда чўлни ўзлаштиргани келган неча-неча ёш оилалар бу ерни жуда тез тарк этди. Раънохон Алиқулованинг оиласи чўлни ўзига ватан деб билди, шу ерда яшаб қолди, тақир ерларни боғу бўстонга айлантиришни ният қилишди улар.

Ўша йилларда узумзор майдони Олтиариқ туманига қарарди. Тажрибали деҳқон Одилжон ота бригадирлик қиларди. Раънохон акалари-ю, опаси қатори далада улғайди. Болалигиданоқ майда-чуйда дала юмушлари билан куймаланди, пахтазорлар оралаб кезишни канда қилмади. Илк бор бошига таққан чамбараги ҳам пахтадан, "дала гуллари"дан ясалганди.

Янгиқишлоқдаги мактабда ўқиб юрган чоғларида адабиёт фанидан сабоқ берувчи Абдулҳай Жўраев аълочи ўқувчисини ўзи каби педагог бўлишга кўп бор даъват қилди. Аммо Раънохон касб-ҳунар мактабида ўқиди. Ошпазлик сирларини ўргангач, бир муддат болалар боғчасида ишлади. Кўшни келин Шаҳринисо меҳнаткаш, одоб-ахлоқли қизга ҳадеганда ҳарбий хизматдан қайтиб, қурилиш ташкилотида ишлаётган укасини мақтарди. Яхши ниятлар билан Бағдодга келин бўлиб тушди. Абдукарим опаси мақтагандай йигит экан.

Қайнона хизматида юрган келин "Узумзор" деб юритилаётган чўл ҳудудига вилоятнинг турли бурчакларидан ёш оилалар кўчиб бораётгани, у ерларни ўзлаштиришга астойдил киришилгани ҳақида эшитди. Қизалоғи ёш бўлишига қарамай, оила янги жойга кўчди, уларга яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган уч хонали уй берилди.

Раънохон опанинг ёшлиги, куч-қуввати, орзулари мана шу "Узумзор" билан тўкис. У ерга меҳр қўйди. Акаси Расулжон куёви ва синглисига устозлик қилди, деҳқончилик сир-асрорини ўргатди. Эрта баҳордан то кеч кузгача далада, меҳнат қучоғида бўлишнинг гашти ўзгача эди. Эгатлар оралаб чопқиллаб юрган Маҳлиёхон, Ҳасан-Ҳусаннинг қувончи онага шижоат берар, қувноқ болалиги кўз ўнгида жонланарди.

"Узумзор" ҳудуди йилларни ортда қолдириб, ўзгача қиёфа касб этди. Яна бир қанча оилалар улар қаторига келиб қўшилди, маҳалла гавжумлашди. Йилдан-йилга ғалла ва пахта, мева-чева-ю, полиз экинларининг ҳосили мўл бўлиб борди.

Раънохон опа 2005 йилда "Алиқулова Анорхон Одиловна" фермер хўжалигига асос солди. Бувайда тумани марказидан 35 километр узоқликдаги фермер хўжалигининг раҳбари бўлди. Мавжуд 40 гектар ерда халқимиз ризқ-насибаси бўлган ғалла ва пахта етиштира бошлади. Дала четида замонавий, шинам шийпон бунёд этди, атрофига гулу райҳонлар экди. Бу ерда бир муддат дам олган кезлари дарҳол қўлига китоб олар, деҳқончилик илмидан чуқурроқ бохабар бўлиш билан бирга, донишмандлар фикру ҳикматларини мутолаа қиларди.

Аллақайси йили гуркираб ўсаётган ғўзага ҳашарот оралади, ям-яшил баргларга зарар етказа бошлади. Раънохон опа тунлари мижжа қоқмади, худдики фарзанди бетоб онадай тўлғонди. У саҳарлаб далага чопди, тажрибали деҳқонлардан маслаҳат олди. Кўз ўнгида "илма-тешик" бўлаётган япроқларга даво излади. Бир гал буғдойзордан кўзлаган ҳосил йиғиб олинмади, режа қоғозларда қолиб кетди. "Қаерда, қандай хатога йўл қўйдим?" деган савол кўп қийнади. Шундай кезларда ҳам деҳқон бўлганига афсус чекмади. Қайтанга ортда қолган йилларда фермерликнинг пасту баланд машаққатларини енгиб ўтди. Кўп йиллик самарали меҳнатлар уни тажрибали фермерга айлантирди.

Бу йил ҳам Раънохон Алиқулова бошқараётган фермер хўжалиги 15 гектар ерга пахтанинг "82-90" навини экди. Далани қоплаган ғўзалар гўёки денгиз мисол мавжланди. Мезон қуёши бош кўтарганда, опанинг чаққон теримчилари дала қўйнида пахта тераётган эдилар. Улар "Узумзор" маҳалласининг аёллари.

– Баракамиз аслида ҳашарчиларнинг ҳалол меҳнатидан, – дейди фермер. – Ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, ҳосилни йиғиб-териб олиб, катта хирмон уйдик. Ҳосилдорлик гектарига 32 центнердан ошди. Мен чўл ҳудудига бежиз меҳр бермадим, эъзозламадим. Бу ерда ота-онам излари, болалигимдан қолган ширин хотиралар бор.

Раънохон Алиқулова кўп бор вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан Фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан рағбатлантирилган, "Энг илғор фермер", "Қишлоқ хўжалиги фидойиси" сифатида эътироф этилган.

Фермер хўжалиги бу йил 25 гектар майдонга буғдой уруғини қадади. Ҳозирда ям-яшил бўлиб сабза урди. Бу – келгуси йил ҳам ҳосил мўл бўлишидан, омборлар донга тўлишидан дарак.

Маҳиёра БОЙБОБОЕВА.



Онлайн-қимор: ИНҚИРОЗ томон босилган қадам

Кейинги пайтларда интернет орқали пул тикиладиган ўйинларда иштирок этиш оқибатида катта маблағни ютқазиб қўйиб, хонавайрон бўлган, ҳатто, ўз жонига қасд қилганлар ҳақидаги хабарлар пайдо бўла бошлади.

Эътибор берсак, турли тотализаторлар орқали пул топишга уринаётганларнинг аксарияти ёшлардир. Улар аллақандай мўъжиза сабаб бир лаҳзада катта ютуқларга эришиш мумкин, деб ўйлашади.

Ваҳоланки, муваффақиятга эришиш учун йиллаб меҳнат қилиш зарур. Буни эса ёшлар англаб етмаяпти. Демак, бунда биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Фарзандларимизни яхши-ёмонни ажрата оладиган қилиб тарбиялашда хатоларга йўл қўйилмоқда.

Айтиш керакки, таваккалчиликка асосланган ўйинлар инсонда умидсизлик ва ночорлик ҳиссини келтириб чиқаради. Йирик миқдордаги маблағни ютқазиш ҳузур-ҳаловатни йўқотишга олиб келади, чорасизлик эса ҳатто ўз жонига қасд қилишгача олиб бориши мумкин.

Баъзи мамлакатларда қимор ўйинларига қарамлик ўзининг зарарли оқибатлари туфайли соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим муаммоларидан бирига айланган. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги бир неча йил ичида глобал миқёсда тотализаторларда ўйнаш даражаси ошган. АҚШда сўнгги йилларда 6 миллиондан ортиқ одам қимор ўйинлари туфайли соғлиғини йўқотиб, даволанишга муҳтожлигини маълум қилган. Бундан ҳам ёмони, катта маблағни ютқазиб қўйганлар молиявий қийинчиликлар сабабли жиноят қилишгача бориб етишяпти.

Яқинда бир танишим "1xbet" тотализаторида 100 000 АҚШ доллари миқдорида маблағ ютқазгани, оқибатда нафақат ўзининг мол-мулки, балки таниш-билишларининг дўкон ва автомобилларини ҳам гаровга қўйиб, банкдан катта миқдорда кредит олганини айтиб берди. Энди банкдан олинган қарзни қандай қоплашни билмай боши қотган. Бирор чора кўрмаса, гаровдаги объектлар "кимошди" савдосига қўйилади. Бир сўз билан айтганда, бир кишининг қиморбозлиги ортидан унинг ўзи, ҳам атрофидаги одамлар жабр кўрмоқда. Бунинг устига унинг ҳаётида ёлғончилик, фирибгарлик каби салбий хислатлар одатий ҳолга айланиб қоляпти.

Ютқазганлар бу ҳақда ҳаммага ҳам айтавермайди. Уларнинг муаммосидан одатда оила аъзолари ҳам бехабар қолади. Бироқ, қаттиқ яширилган сир охир-оқибат фожиа юз берганидан сўнг фош бўлади. Ачинарлиси, бундай ҳодисаларни кўра билиб туриб ҳам, оқибатини англаб ҳам айрим ҳамюртларимиз қиморга муккасидан кетяпти.

Миллий урф-одатларимиз ва менталитетимизга, шунингдек, диний қарашларимизга ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатлари, айниқса, онлайн тарзда оммалашиб, ўсмир ва ёшларни ўз домига тортаётгани ачинарли.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамизда тотализатор ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш ва албатта, бундай хизматларни реклама қилиш ноқонуний ҳисобланади. Бу борада мутасадди идоралар томонидан ноқонуний хизматлар рекламаси аниқланиб, уларга чек қўйилмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда 30 дан ортиқ тотализатор ва букмекерлик рекламасини ноқонуний равишда юритувчи сайтларга кириш чеклаб қўйилди.

Ушбу ўйинлар, айниқса, "онлайн" қимор билан боғлиқ жиноятлар 2019 йилда 55 та, 2020 йилда 86 та, 2021 йилда 103 та, 2022 йилнинг 6 ойида 90 тани ташкил этган. Бинобарин, мамлакатимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан шуғулланганлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Бундай ўйинлар инсонга нафақат руҳий таъсир ўтказади, балки молиявий қарамликка дучор этиб, оилавий низоларга ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу фаолият нақд пулларнинг банкдан ташқари муомаласи кўпайишига, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товланишига йўл очади, шу орқали мамлакатимизнинг иқтисодий равнақига путур етказади.

Динимизда ҳалол меҳнат қилиб, даромад топишга буюрилган. Бировни алдаб, хиёнат қилиб, муттаҳамлик йўли билан унинг мулкига эга бўлиш ҳаромдир. Қимор эса айнан шундай йўл билан пул топишдир.

Ҳаётда ҳар бир одам омадли бўлишни, муваффақиятга тез эришишни хоҳлайди. Аммо, бу орзу-истакларга ҳалол йўл билан эришиш лозим.

Айтмоқчи бўлганимиз, ҳаёт бизга икки йўлни кўрсатиб қўйган. Бири – саодатга, иккинчиси эса залолатга – боши берк кўчага олиб борадиган йўл.

Биз ёшларимизни саодат йўлига бошлашимиз, уларни ҳалол меҳнат билан турмуш кечиришга ўргатишимиз керак. Бундан ўзимиз ҳам, яқинларимиз ҳам, жамият ҳам катта наф кўради.

Фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, давлатнинг бу борадаги назоратини кучайтириш ҳамда ота-оналар томонидан ўз фарзандларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиши устидан мунтазам назорат олиб борилиши юқоридаги каби салбий иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Тошпўлат МАТИБОЕВ,
социология фанлари доктори,
профессор.

Фидойи тадбиркорлар

БИР ЛИТР СУТДАН БОШЛАНГАН ОИЛАВИЙ БИЗНЕС



Қўқонлик Саййид-қосимхон Қорабоев бундан ўн беш йил аввал ўз оилавий бизнесини Боғишамол кўчасидаги хонадонида бир литр сутдан қатиқ олиб, бошлаган эди. Ўша пайтда маҳсулотини велосипедда дўкон ва хонадонларга тарқатарди.

БУГУН 50 ТОННА ХОМАШЁНИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИГАН ЙИРИК КОРХОНАГА АЙЛАНДИ

У асос солган оилавий корхонада дастлаб ака-укалари Муҳаммадхон, Одилхон, Нурмуҳаммадхон билан биргаликда 3 та ишчи ўрни яратди. Ўша йилнинг охирига бориб, оилавий корхонада ишчи ўринлари сони 40 тага, сутни қайта ишлаш кунлик қуввати эса 5 тоннага етди.

Туркиянинг "Пеймак" ва "Онур" фирмаларидан сутни қайта ишлаш жиҳозлари кредит ҳисобидан харид қилингач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, 80 нафар фуқаролар иш билан таъминланди. "Садаф сут" оилавий корхонасининг бугунги тараққиётига неча кун ва тунлар бедор, беҳаловат ўтгани ҳисобига эришилгани аён.

Оға-инилар бу билан тўхтаб қолишмади. Оилавий корхона фаолиятини ривожлантириш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, ишчи ўринлари сонини кўпайтириш пайидан бўлишди. Тадбиркорларга яратилган имконият ва имтиёзлар уларга қўш қанот бўлди, оиланинг бизнес ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланди.

– 2020 йилда оилавий корхонамиз 50 сотихли ерга эга бўлган бинони сотиб олиб, бир кунда 50 тоннагача сутни қайта ишлашга ихтисослашган завод қурдик, – дейди корхона раҳбари Саййидқосимхон Қорабоев.

"Қўқон" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган ушбу корхонанинг лойиҳа қиймати 150 миллион сўм эди. Лойиҳа ниҳоясига етказилгач, бу ерда 200 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилди. Айни кунда 30 тонна сут қайта ишланиб, 32 хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Творог, сметана, қаймоқ, кефир, ряженка, айрон, бринза, аччиқ ва райҳонли қурутлар ҳар куни водий ва республика вилоятлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Корхона бош ҳисобчиси Муҳаббатхон Комилованинг берган маълумотига кўра, 2023 йилда 20 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида эса 22 миллиард сўмлик сифатли сут маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.

– Йил охирига қадар бу рақам 30 миллиард сўмга етади, – дейди у.

– Ишчи-ходимларимизнинг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Унумли ишлашимиз, дам олишимиз учун яхши шароитлар яратилган. Биз бу ерда меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз. Ойлик маошларимиз 3 миллиондан 7 миллион сўмгача боради, – дейди цех бошқарувчиси Тоиба Марайимова.

Вилоятимизда иш ўринлари яратиш, фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлашда "Садаф сут" оилавий корхонаси томонидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширияпти. Яқин келажакда бу ерда яна янги иш ўринларини яратиш, сут маҳсулотлари турини кўпайтириш лойиҳаси амалга оширияпти.

Гап шундаки, корхона "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан 1 гектар ер олиб, йогурт, қуруқ сут, газли ва газсиз сув ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

– Янги бино учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни Туркия фирмаларига буюртма қилганмиз. Лойиҳа қиймати 50 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бу йирик қурилиш майдонида ҳозир бунёд этилажак 6 қаватли бинонинг 3 қавати кўтарилган, – дейди Саййидқосимхон Қорабоев. – Амалга оширилиши икки йилга мўлжалланган лойиҳа ишга туширилгач, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми янада кўпайиб, қўшимча 300 та янги иш ўрни яратилади.

"Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлар катта куч-қудрат бўлиб келган. Ўзбекистонимизда ҳам иқтисодиётни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни обод этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунга энг катта ҳисса қўшаётган ким? Тадбиркорлар! Сизлар ҳар бирингиз қаҳрамонсиз, фидойисиз. Биз сизлар билан фахрланамиз" деган эдилар муҳтарам Президентимиз тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда. Бу фикрлар қўқонлик тадбиркорлар – Қорабоевлар оиласига ҳам тааллуқлидир.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

MUQIMIY NOMIDAGI QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

QUYIDAGI VAKANT LAVOZIMLARIGA TANLOV E'LON QILADI

Kafedra dotsenti lavozimiga:
1. Psixologiya kafedrasi – 1 nafar.
2. Biologiya kafedrasi –1 nafar.
3. Boshlang'ich ta'lim nazariyasi – 1 nafar.
4. Informatika kafedrasi – 1 nafar.
5. Tarix kafedrasi –1 nafar.
6. Pedagogika va ta'lim menejmenti –1 nafar.
7. Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedrasi – 1 nafar.
8. Boshlang'ich ta'lim nazariyasi – 1 nafar.

Kafedra katta o'qituvchisi lavozimiga:
1. Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi –1 nafar.
2. Matematika kafedrasi – 1 nafar.
3. Psixologiya kafedrasi – 1 nafar.
4. Ingliz tili va adabiyoti nazariyasi kafedrasi – 1 nafar.

Kafedra assistent o'qituvchisi lavozimiga:
1. Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasi – 1 nafar.
2. Boshlang'ich ta'lim nazariyasi – 1 nafar.
3. Fizika va astronomiya kafedrasi – 1 nafar.
4. Informatika kafedrasi – 1 nafar.
5. Rus tili va adabiyoti kafedrasi – 1 nafar.
6. Boshlang'ich ta'lim nazariyasi kafedrasi – 1 nafar.
7. Tarix kafedrasi – 1 nafar.
8. Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda ingliz tili kafedrasi – 1 nafar.
9. Pedagogika ta'lim menejmenti – 1 nafar.
10. Psixologiya kafedrasi – 1 nafar.

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab 1 oy.
Murojaat uchun manzil: Qo'qon shahar, Turon ko'chasi, 23-uy, 1-o'quv binosi, 216-xona. Kengash kotibi: O.Abdullayev.
Телефон: (91) 143-29-81.

Фарғона шаҳар, "Юлдуз" МФЙ, Сўлим кўчаси, 86-"б" уйда жойлашган "Bilol Infiniti" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шоирнинг онаси билан суҳбат

“ШЎХ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, ЖУДА АЪЛОЧИ ЭДИ”



Бағдоднинг Қўштегирмон қишлоғида бахтлиларданда бахтлироқ бир онахон яшайди. У Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзони дунёга келтирган, вояга етказган Мўътабархон онадир. Суҳбатимиз, табиийки, севимли фарзандининг ҳаёти. Ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлди.

– Иқболжоннинг болалиги ҳақида гапириб берсангиз.

– Тўрт ўғил, икки қиз ўстирдик. Иқболжон бешинчи фарзандим. Болалигида жуда шўх эди. Мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлардим. “Алифбе”ни ўзим ўқитганман. Дадаси ҳам шу мактабда ишларди. Собиқ иттифоқ маорифи аълочиси бўлган. Шўх бўлишига қарамай, жуда аълочи бўлган. Балиқ овига қизиқарди. Ўртоқлари билан қармоқ кўтариб, зовур бўйларига чопарди. Футбол ўйнаш ҳам жону дили эди. Аммо, кўп китоб ўқирди. 3-синфда ўқиб юрган кезларида газетада илк шеъри чиққан. Мактабни олтин медалга битирган.

– Иқболнинг илк устози ким?

– Ёзганларини биринчи бўлиб менга, дадасига кўрсатарди. Тоғаси – укам Ғуломжон туман газетасида ишларди. У хонадонимизга келганда, “Шеър ёздим!” деб мақтанарди. Тоғаси Иқболнинг машқларини ўқиб кўриб, “Шеъринг ҳали хом, уни яхшилаб пишит”, деб айтарди. Кейин ижод сирлари бўйича соатлаб сабоқ берарди.

– Бошқа фарзандларингиз ҳам адабиётга қизиқадими?

– Йўқ, ҳаммасининг ўз мутахассислиги, касби бор. Катта ўғлим Илҳомжон мактабда мусиқадан дарс бериб, пенсияга чиқди. Иккинчи ўғлим Икромжон университетда чет тили ўқитувчиси эди, умри қисқа экан, вафот этган. Илёсжон мактабдан кейин ўқимади, ўқиганда олим бўларди-ёв. Ўқимаган китоби йўқ эди. У ўғлимни ҳам тупроққа топширдик. Муаззамхон қизим мактабда чет тили ўқитувчиси. Муқаддамхон эса Қўқон тиббиёт билим юртини битирган, ҳамшира бўлиб ишлайди.

– Хонадонингизга қайси машҳур шоирлар келган?

–Худойберди Тўхтабоев уйимизда яшаб, қишлоғимиздаги мактабда дарс берган. Саъдулла Сиёев Иқболжоннинг дадаси билан курсдош бўлган. Қўшни қишлоқда Анвар Муқимов деган ёзувчи яшаган. У ҳам Тошкентда Иқболжоннинг дадаси билан бирга ўқиган. Кун ора келарди бизникига. Муҳаммад Юсуф тез-тез меҳмон бўларди.

Иқболжон шоир бўлиб танилгач, Муҳаммад Юсуф уни Тошкентга боришини маслаҳат қилган. Лекин дадаси пойтахтга бориб ишлашидан кўнгли тўлмасди. “Ижарама-ижара юрасанми?” деб хавотир оларди. Муҳаммад Юсуф бир келганида “Иқболжоннинг жойи Тошкентда, ундан зўр шоир чиқади, илтимос, қишлоққа қайт, демангланр", деб айтганди.

Яна Анвар Обиджон, риштонлик Баҳодир Исо, Аъзам Ўктам оиламизга қадрдон эди.

– Иқбол Мирзо таҳаллусини қачон танлаган?

– Илгари Иқболжон Мирзалиев имзоси билан шеърлари чиққан. Биринчи китоби чиқиш арафасида улуғ шоира Зулфияхоним “Саодат” журналида беш-олтита шеъри билан суратини чоп эттирган. У бу йигитнинг келажаги порлоқ, ўз номи билан Иқбол Мирзо бўла қолсин, деб дуо қилибди. Шу-шу Иқбол Мирзо бўлди.

– Сиз учун фарзандингизнинг энг катта совғаси нима?

–Унинг совғаси – оиласи билан хонадонимизга кириб келиши. Келиним, уч ўғли ва бир қизи остона ҳатлаб қолишса, ўша куни мен учун байрам. Яна энг азиз совғаси – янги чиққан китоблари. Биринчисига дастхат ёзиб, менга совға қилади. Илк китоби кафтдеккина эди. “Кўнглим” деган ўша китобининг биринчи бетида “Онажоним Мўътабархон Малик қизига бағишлайман”, деб ёзган. Бошим осмонга етган. Барча китобларини сандиғимда сепдай, тумордай асрайман.

– Ўғлингиз ёзган қўшиқларни эшитиб турасизми?

– Раҳматли Охунжон Мадалиев кўп айтган эди. “Ахир мен биттаман, ягона-ёлғиз”, “Ёнимга кел”, “Сени олиб кетгани келдим”, “Кўнглингда нима бор”, Гулсанам Мамазоитованинг “Агар жаннат кўкда бўлса”, “Ойдан тушган эмас”, “Марғилонликлар”, Юлдуз Усмонованинг “Нима қилдик, Ватан учун”, Хуршид Расуловнинг “Ёмонлама”, Акмал Саъдихоновнинг “Зулфия”... ҳаммасини сўзларидан танийман, ўғлим ёзган, деб дуо қилиб ўтираман.

– Сизга бағишлаган шеърларини ёддан биласизми?

– Ҳа, ёддан биламан. Суюнаман, гоҳо йиғлайман.

Ой каби қошимда парвона онам,
Офтобдек меҳрда ягона онам,
Бошимда тилла тож, кўнглимга таскин,
Туну кун тилимда шукронам онам,
***
Ёнимда ўғлим деб, турсангиз, она,
Яшайман ғамлардан ғолиб, мардона,
Келсангиз юксалар ғариб остона,
Кетсангиз мунғаяр кошонам, онам,
Жаннат боғларидан нишонам, онам...

90 ёшли Мўътабар онанинг юзлари меҳрли, сўзлари зукко, фикри тиниқ. Гаплашиб тўймайсиз. Онахоннинг дуоларини олиб хайрлашдик.

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ,
Малик БОЙ МУҲАММАД.



ҚОРАҚАЛПОҚ МАҚОМ АНСАМБЛИ ВИЛОЯТИМИЗДА

Мақом замон ва вақт танламас санъат. Унинг дастлабки нағмалари қачон илк бор пайдо бўлган, бу ҳалигача тортишувли мавзу. Аммо шу нарса ҳақиқатки, у замон, султон, вақт танламас санъат. Неча асрларки, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармон ва қарорларига кўра, мақом янада ривож топди. Бугун ҳар бир вилоятда мақом ансамбли тузилди, санъат мактаблариданоқ мақомни ўқитиш йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон мақом ансамбли ижро маҳорати юксаклиги, репертуарнинг рангбаранглиги билан томошабинлар меҳрини қозонган. Шу кунларда у Фарғона вилояти бўйлаб ижодий сафарини бошлади. Марғилон мақом театри биносида дастлабки концерт дастури тақдим этилди.

– Очиғи, мен Қорақалпоғистон мақом ансамбли қадимий санъат турида қанчалар маҳоратли, деб иккилангандим. Садриддин Сафоев раҳбарлигидаги ансамбль, айниқса, “Тани мақоми бузрук”, “Тошкент ироғи”, “Найлай” мақомларини маромига етказиб ижро этди, – дейди санъат шинавандаси Ғуломжон Аҳмедов.

– Марғилон улуғ санъаткорларни камолга етказган шаҳар. Тингловчиларининг диди юқори. Шундай мухлислар олдида мақом ижро этиш – гўё имтиҳондан ўтишдек гап, – дейди Қорақалпоғистон мақом ансамбли гуруҳи раҳбари Дилшод Сафаров. – Бизга кўрсатилган иззат-икром ва яратилган шароит учун марғилонликларга раҳмат.

Концерт олқишлар билан якунланди. Марғилон мақом театри ижодкорлари қорақалпоғистонлик ҳамкасбларига эсдалик совғалари топширдилар.

Ўз мухбиримиз.

"Сени яхши кўраман"

Китоб тақдимоти



Соҳибжон Ҳотамов бир даста шеърини олиб таҳририятга кириб келганида анча ёш эди. Қалбида бадиий ижодга бўлган меҳр жўш урарди. Унинг ижод намуналари “Фарғона ҳақиқати”да ҳам чоп этилган. Пойтахтда олий таълим олиб юрган кезлари таниқли ижодкорлар эътиборига тушди, қалами янада чархланди. Йиллар ўтиб, унинг "Шошқалоқ", "Ватан меҳри", "Мен, онам ва қишлоқ" номли китоблари чоп этилди.

Яқинда Соҳибжон Ҳотамовнинг “Сени яхши кўраман” номли янги китоби 5000 нусхада нашр этилди. Бувайда тумани ҳокимлиги ахборот ресурс марказида ёш ижодкорнинг мазкур китоби тақдимоти ўтказилди.

“Сени яхши кўраман” – бу кимнингдир кимгадир айтадиган оддий сўзлари, ширин каломигина эмас, балки ҳар бир фарзандниг онага, ҳар бир боланинг фарзандга айтадиган дил изҳоридир. “Ёш куч” нашриёти томонидан чоп этилган китобда ана шу ғоя тараннум этилган.

Равон тилда, ортиқча ташбеҳларсиз шеърларни ўқир экансиз, улар меҳрибон онангиз, унинг меҳри, қалб уммони ҳақида сўзлаб бераётгандек туйилади сизга. Улуғ зот фарзанди учун ҳар қандай машаққатга тайёрлиги, синовларга бардошлиги, онажонларимизнинг болажонлиги мисраларда акс этган.

Кўтаринки руҳда ўтган тақдимот ҳам оналарга эҳтиром кўрсатишдек эзгу ва хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди дейиш мумкин.

– Адабиёт олами чексиз. Унга муносиб зарра бўлмоқ шараф, – деди Соҳибжон Ҳотамов.

Дарҳақиқат, бундай шарафга муносиб бўлмоқлик ижодкорларни туну кун руҳлантириб туради.

Озодабону РУСТАМОВА.



ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ЎЗИНГИЗДАН

Кейинги йилларда ўлим билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисалари ортиб бормоқда. Бунга баъзилар ҳаракатдаги автомобилларнинг кўплигини рўкач қилади. Аслида, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият авариялар йўл ҳаракати хавфсизлигини қўпол тарзда бузиш, яъни светофорнинг тақиқланган чироғи ва йўл белгиларига амал қилмаслик, тезликни ошириш, маст ҳолатда автомашина ҳайдаш, техник носоз транспорт воситаларини бошқариш ортидан келиб чиқяпти.

Жорий йилнинг август ойида шундай бахтсиз ҳодиса юз берди. Тунги соат 03:00ларда тошлоқлик Ж.Ж. таниши С.А.га тегишли “Нексия-2” автомашинасини Ёзёвон туманининг “Янги бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи “Тошкент – Ўш” автомобиль йўлининг 350-километрида бошқариб бораётиб, ухлаб қолади. Натижада рулни бошқара олмай, йўл четида тўхтаб турган “Камаз” юк машинасининг орқа томонига бориб урилади. Ўзи ва икки нафар ҳамкасблари оғир тан жароҳати олган бўлса, олди ўриндиқдаги С.А. воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади.

Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон тумани судида вафот этган шахснинг оила аъзолари айбланувчига нисбатан даъволари йўқлигини билдириб, қонунчилик доирасида енгиллик беришларини сўрашган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисми билан айбланган Ж.Ж.га нисбатан уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Мазкур ҳолат тафсилотларидан равшанки, бир инсон ўлимига, уч нафарининг оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган ҳодиса айнан йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузиш оқибатида содир бўлган. Хулоса чиқариш яна ўзингиздан. Йўлларда сергак бўлинг!

Фаррухбек НЕЪМАТЖОНОВ,
Ёзёвон тумани ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳи терговчиси, капитан.

“Қизил қабристон”

Ёки Кремль девори ёнидаги қабрлар тарихи



Россия Федерацияси “юраги” бўлган Кремль девори ёнидаги қабристон кўп йиллар давомида Қизил майдоннинг ажралмас қисмига айланди ва собиқ совет иттифоқи даврида энг муносиб шахсларнинг рамзий "қизил қабри" бўлди.

Кремль девори ёнида ва унинг ичида 400 га яқин турли шахслар – рус ва хорижий инқилобчилар, партия арбоблари, ҳарбий қўмондонлар ва мамлакатнинг машҳур фуқаролари дафн этилган. Бироқ кам одам биладики, бу қабристон большевиклар даврида эмас, балки бир неча юз йил олдин пайдо бўлган.

Тарихдан маълумки, Қизил майдон қадимда нафақат гавжум савдо маскани ва мамлакатнинг энг катта бозорларидан бири бўлган, балки бу ерда оддий қишлоқ қабристони ҳам бўлиб, фуқароларнинг мансублигига қарамасдан дафн қилишган. Православ анъаналарига кўра, инсон охирги манзилини ибодатхона ёнида топган. XVI аср бошларига келиб, бу ерда 15 та черков бўлган.

Бора-бора бу анъана йўқолиб борди ва XX аср бошларида Кремль девори ёнида деярли дафн маросимлари ўтказилмай қўйди. Аммо 1917 йилги инқилобий воқеалар Москвадаги сукунатни бузди. Кремлга қилинган ҳужум Петербургдаги Қишки саройнинг босиб олинишидан кўра кўпроқ қурбонлар олиб келди. Шу боис, инқилобдан сўнг Қизил майдонда тарихда илк бор жамоавий дафн маросими ўтказилди.

КРЕМЛЬ ДЕВОРИ ЁНИДАГИ ТАРИХИЙ ДАФНЛАР

1917 йил 8 ноябрда Кремль девори ва трамвай йўллари орасида, Никольск ва Спасск дарвозаларигача бўлган жойда икки жамоавий қабр қазилди. Бир неча кун ўтиб, инқилоб учун жон берган 238 "революционерлар" жасади шу ерга дафн этилди. Улардан тарихчилар фақат 57 нафарининг исмини аниқ билишади, қолганлари эса номсиз қолган.

1918 йил март ойида большевиклар ҳукумати Москвага кўчиб ўтди ва Кремль асосий қароргоҳга айланди. Қизил майдон энди инқилобий қабристон сифатида ҳам фойдаланила бошланди. Жамоавий дафн маросимлари яна давом эттирилди ва 1927 йилгача бу ерда 15 та қўшимча қабр қазилди. Бу қабрларга фақатгина фуқаролик урушида ҳалок бўлганлар эмас, балки офатларда вафот этганлар ҳам кўмилди.



БОЛЬШЕВИКЛАР ҚАБРЛАРИ

Кремль деворидаги энг машҳур большевиклар алоҳида дафн қилинган. Биринчи бўлиб бундай шарафга сазовор бўлган атеист Яков Свердлов эди. Унинг ортидан Михаил Фрунзе, Феликс Дзержинский, Калинин, Жданов, Сталин, Ворошилов, Будённый ва бошқа совет иттифоқи раҳбарлари ҳам дафн қилинган. Қизил майдондаги алоҳида шахсий қабрлар сони 12 тани ташкил этади. Бу қабрлар орасида энг охиргиси Константин Черненконики.

Баъзи таниқли шахслар кремация қилинган ва уларнинг куллари Кремль деворидаги Коммунарлар деворида сақланган. Бугунги кунда ушбу қисмда 114 нафар шахснинг куллари бор.

ҲЕЧ АМАЛГА ОШМАГАН ПАНТЕОН ЛОЙИҲАСИ

Кремль қабристонининг марказий объекти Ленин мавзолейидир. У аввал ёғочдан қурилган бўлса, 1930 йилда унинг гранитдан муқим мавзолейи қурилди. Уруш даврида мавзолейни ҳужумлардан сақлаш учун катта мато билан тўсиб қўйилган, аммо Ленин жасади уруш бошида Тюменга кўчирилган эди.

1953 йилда Сталин вафот этганидан сўнг унинг жасади вақтинча Ленин мавзолейига қўйилди. Ўшанда Москвада барча буюк совет арбоблари қабрларини ўзида жамлайдиган Пантеон (машҳур кишилар дафн қилинадиган мажмуа) қуриш режалаштирилган эди. Лекин 1956 йилда шахсга сиғиниш танқид қилиниши билан бу ғоя бекор қилинди, Сталин жасади мавзолейдан олиб чиқилди ва Кремль қабристонига дафн этилди.

ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДАГИ ЁДГОРЛИКЛАР

1974 йилда некрополь (марҳумлар макони)га расман давлат муҳофазаси остидаги ёдгорлик мақоми берилди. Қабристон яхши ҳолатга келтирилди, янги арчалар ўтқазилди, жамоавий қабрлар қайта тикланди, гранит байроқлар ва мармар вазалар ўрнатилди.

1990 йилда биринчи ва ягона марта некрополни бутунлай йўқ қилиш хавфи пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситалари “Қизил қабристон”даги қабрларни оддий қабристонга кўчириш масаласини жиддий муҳокама қилганди. Бироқ, қонунга кўра, марҳумлар қариндошларининг розилигисиз қабрларга тегиш мумкин эмас эди. Уларнинг эса кўчиришга қарши бўлганликлари аниқ бўлди. Кремль девори ёнида дафн қилинганларнинг 12 нафар бевалари ва авлодлари қабрларни сақлашни сўраб ариза ёзди. Некрополни "400 дан ортиқ кишининг шарафли ва абадий хотира маскани" деб аташди.

Бугунги кунда “Қизил қабристон" хавфсиз ҳолда. 1990 йиллар охирида Мавзолей ва Кремль деворидаги қабрлар Қизил майдон ансамблининг бир қисми сифатида ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси объектига айланди. Демак, келажакда ҳам некрополни кўчиришга оид гап-сўзлар фақат муҳокамалар бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Абу МУСЛИМ тайёрлади.
(Манба: tavorix.islom online).

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236 -"б" уй. Буюртма: 713.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 1575 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370